



**ДИЛНАВОЗ ЮСУПОВА**

“ХАМСА” ПОЭТИКАСИ:  
ВАЗН, ҚОФИЯ ВА  
МАЗМУН  
МУШТАРАКЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

**Дилнавоз Юсупова**

**“ХАМСА” ПОЭТИКАСИ:  
ВАЗН, ҚОФИЯ ВА МАЪМУН  
МУШТАРАКЛИГИ**

*(Монография)*

**“Tamadun” нашриёти  
Тошкент-2021**

УЎК 821.512.133-31

КБК 84. (5Ўзб)

Ю 16

Дилнавоз Юсупова.

Дилнавоз Юсупова «Хамса» поэтикаси: вазн, қофия ва мазмун муштараклиги» [Матн] монография / – Тошкент: «Тамaddon», 2021. 344 б.

Масъул муҳаррир

**Афгондил Эркинов**

филология фанлари доктори

Масъул муҳаррир

**Боқижон Тўхлиев**

филология фанлари доктори, профессор

**Нурбой Жабборов**

филология фанлари доктори, профессор

*Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-техникавий кенгашининг 2021 йил 29-ноябрь 8-сонли мажлиси баённомаси билан нашрга тавсия этилган*

ISBN 978-9943-5117-9-8

*Волидаи муҳтарамам Саидахон Орифжон қизларининг руҳи покларига бағишлайман*

## **КИРИШ**

Кейинги йилларда ўзбек шеършунослигида бадий асар поэтикасини янгича тамойиллар асосида ўрганиш, адабиётнинг поэтик унсурларини тарихийлик, қиёсийлик, ўзаро таъсир ва акс таъсир, объективлик, синкретизм тамойиллари асосида ўрганиш ривожланаётган бўлиб, бадий асарнинг бош ва бирламчи мезони – шакл ва мазмун уйғунлиги масаласини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шакл ва мазмун муносабати аслида “...минг йиллардан бери мусулмон Шарқида мавжуд бўлган, ўзининг ибтидо-сини барча мўъжизотларнинг шарҳи ҳисобланган Қуръони каримдан олган ва исломий-тасавуфий фалсафа тараққиёти ҳамда бадий тафаккур тадрижи билан бу муносабат тараққий этиб, жорий мушаккал бир илмий тизимга айланган”<sup>1</sup>.

Шакл ва мазмун бирлиги масаласи ўрта асрлардаёқ Мусулмон Шарқи мумтоз поэтикасида муҳим аҳамиятга молик масалалардан бўлиб, араб олимларидан ал-Жаҳиз, ибн Қутайба, Салаб, Ибн ал-Мутааз, Қудамма ибн Жаъфар, Ибн Таботба, Ибн Рашик, ал-Журжоний, форс-тожик адабиётшунослари Умар Родуёний, Шамсиддин Қайс Розий, Носируддин Тусий, Рашидиддин Ватвот, Атоуллох Хусайний, Воҳид Табризий, туркий адабиёт вакиллари Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг асарларида кенг ва агрофлича баён қилиб берилган<sup>2</sup>.

1 Болтабоев Х. Шакл ва мазъни муносабати // Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 83.

2 Бу ҳақда қarang: Куделин А.Б. Проблемы формы и содержания в средневековой арабской литературной теории // Средневековая